


МММК фани 1-амалий машғулот


МАВЗУ:

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ
БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ
ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА
ОЛИШ**




Ишнинг мақсади:

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳужжатлаштириш тартибларини ўрганиш, ҳамда Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш бўйича амалий кўникма ҳосил қилиш.



■ **Ишнинг вазифаси:**


1. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳужжатлаштириш тартибини ўрганиш.
 2. Бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш тартибини ўрганиш.
 3. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш тартиби.
 4. Берилган топшириққа асосан Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш.
- 


Асосий маълумотлар:


- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини махсус қабул қилинган низом белгилайди [3].
- Бу низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6-июндаги 286-сонли қарори билан қабул қилинган бўлиб, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Н и з о м деб аталади [17].

Мазкур Низом:

- ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;
- иш берувчиларга;
- пудрат ва топшириқларга кўра фуқаролик-ҳуқуқий контрактлар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;
- табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;
- агар махсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;
- қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;
- корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам татбиқ этилади.


- 
- Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунингдек хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, захарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек табиий офатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;
 - ~~XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX(Низомга қаранг)XXXXXXXXXXXXXXXXXXXX~~
 - сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётганлар ва бошқалар) бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.


- 
- Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасддан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хулосаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.
 - Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида **бир кунга** йўқотилса ёки тиббий хулосага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, **Н-1 шаклидаги далолатнома** билан расмийлаштирилади (1.5-илова).
 - Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг **3 суткадан** кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги **Н-1 шаклидаги далолатномани** бериши керак.

- 
- Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбурдир.
 - Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликларни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳужжатлаштириш тартибини

- Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:
- жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;
- текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;
- бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги корхона (цех) раҳбари дарҳол **ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиши шарт.**

- 
- Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.
 - Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.
 - **Комиссия:**
 - уч сутка ичида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;
 - бахтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган **Н-1 шаклидаги** далолатномани **уч нусхада** тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

- 
- Иш берувчи ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг **уч сутка давомида** тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни:
 - жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга;
 - текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га;
 - давлат меҳнат техника назоратчисига юборади.
 - Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади (1.1-илова).

Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдиришга топшириқ

- Гуруҳдаги ҳар бир талаба, қуйида келтирилган топшириққа асосан, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисани текшириб Н-1 шаклдаги (1.5-илова) далолатномани тўлдириши керак.

- **Вазифа:**

Ишчи (хизматчи) _____

(Ф.И.Ш)

билан «_____» _____ 20____ йилда содир бўлган бахтсиз ҳодисани текширинг ва уни ҳужжат билан расмийлаштиринг, яъни «Н-1» шаклдаги далолатномани тузинг.

Топшири? маълумотлари.

Касблар	Вариантлар						
	1, 10, 19	2, 9, 18	3, 13 15,	4, 7, 21	5, 11, 16	6, 12, 20	8, 17, 14
Экскаватор машинисти	X						
Бульдозер машинисти		X					
Кран машинисти			X				
Насосчи				X			
Скрепер машинисти					X		
Электрпайвандловчи						X	
Газпайвандловчи							X

«ТАСДИ? ЛАЙМАН»	Н-1 шакли
Иш берувчи _____ (имзо, имзо ёйилмаси)	Бир нусхадан юборилади: – жабрланувчига (ўлган бўлса оиласига); – ме?натни му?офаза ?илиш хизмати ра?бари (му?андиси, мутахассиси)га; – бош давлат ме?нат техника назоратчисига
20 _____ йил _____ корхона му?ри	

№ _____ ДАЛОЛАТНОМА

Ишлаб чи?аришдаги бахтсиз ?одиса ва саломатликка бош?а хил зарар етказилиши тў?рисида

1. Корхонанинг номи _____
Корхонанинг манзили _____
(вилоят, ша?ар, туман, кўча, уй)
- 1.2. Мулкчилик шакли _____
(давлат, акциядорлик, хусусий ва ?оказо)
- 1.3. Бахтсиз ?одиса юз берган жой _____
(бўлинма, цех)
2. Вазирлик, хўжалик бош?арув органи _____
3. Ходимни йўллаган корхона _____
(номи, манзили, вазирлик)
(хўжалик бош?арув органи)
4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсин)
6. Ёши (тўли? йиллар сони кўрсатилсин) _____
7. Касби, лавозими _____
- 7.1. Разряди, класс _____
8. Бахтсиз ?одиса юз берганда бажарилаётган иш бўйича иш стажи _____
9. Ме?нат хавфсизлиги бўйича йўри?нома, ў?итиш
- 9.1. Кириш йўри?номаси (сана) _____

9.2. Меънат хавфсизлиги бўйича ўқитиш (сана) _____

9.3. Дастлабки (даврий) йўриқнома (сана) _____

9.4. Ўта хавфли ишлар учун билимларни текшириш (сана) _____

9.5. Ишга кираётганида ва даврий тиббий кўрикдан ўтганлиги _____

10. Бахт сиз олдиса юз берган сана ва вақт _____

(йил, кун, ой), (иш бошлашдан тўлиқ соатлар сони)

11. Бахт сиз олдиса олати _____

11.1. Бахтсиз олдиса сабаблари _____

11.2. Жароҳат етказилишга сабаб бўлган асбоб-ускуна _____

11.3. Жабрланувчининг ошёрлиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги) _____

(тиббий хулосага биноан)

11.4. Ташхис _____

(дастлабки, охири)

12. Бахт сиз олдиса сабабларини бартараф этиш тadbирлари:

Т/р	Тadbирлар номи	Бажариш муддати	Бажарувчи	Бажарилиши оқида белги

13. Меънат тўғрисидаги ошончилик, меънатни муофаза оилиш оондалари ва меъёрлари бузилишига йўл оуйган шахслар _____

(Ф.И.Ш., лавозими, корхона номи), (улар томонидан бузилган оонунлар, оондалар ва

меъорий оужжатларнинг моддалари, бандлари)

14. Бахт сиз олдиса гувоёлари _____

Далолатнома тузилди _____

(йил, кун, ой)

Комиссия раиси: _____

(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари: _____

(Ф.И.Ш., имзо)

Эътиборингиз учун раҳмат!

